

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1667-ҳадис

1667/4462 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمَّا ثَقُلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَعَلَ يَتَعَشَّاهُ، فَقَالَتْ فَاطِمَةُ عَلَيْهَا السَّلَامُ: وَكَرَبَ أَبَاهُ، فَقَالَ لَهَا: لَيْسَ عَلَيَّ أَيْبُكَ كَرَبٌ بَعْدَ الْيَوْمِ.

1667.4462. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашганларида, у зотни (дард) чулғаб ола бошлади. Шунда Фотима алайҳассалом: «Оҳ, алам тортган отагинам!», деди. Шунда у зот унга: «Бугундан кейин отангга алам бўлмайди», дедилар. У зот вафот этганларида у: «Оҳ, чорлаган Роббга ижобат қилган отажоним! Оҳ, борар жойи Фирдавс жаннати бўлган отажоним! Оҳ, отажоним! Ўлимингизни Жаброилга изҳор қиламиз», деди. У зот дафн қилинганларида Фотима алайҳассалом: «Эй Анас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг устларига тупроқ тортишга кўнгилларингиз чопдими?», деди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVAIDLARI